



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 19 (10.828)

Баҳоси эркин нархда

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УЎҚЛАРИ

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 24-26 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН СИНГАПУР РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ.

Сингапур 697,1 квадрат километр майдонга эга бўлган мамлакат. Аҳолиси 4,5 миллион кишини ташкил этади. Мамлакат олтимишдан зиёд майда оролдан иборат бўлиб, пойтахт Сингапур уларнинг энг каттасида жойлашган. Қарийб бир ярим асрлик мустамлакадан кейин, 1965 йилда мустақилликка эришган кезлари у ерда денгиз ҳўжалиги ва савдо-сотиқни ҳисобга олмаганда, тирикчиликнинг деярли бошқа манбаи йўқ эди. Лекин тарихан қисқа даврда — 30 йилда Сингапур ўз халқининг тафаккури, иродаси, ғайрат-шижоати туфайли юксак даражада ривожланган мустақил мамлакатга айланди. Бугун у юқори технологиялар босида дунёда етакчилардан бири, Осиё-Тинч океани минтақасининг илмий марказларидан. Сингапур бандаргоҳлари дунёнинг 600 йирик бандаргоҳи билан алоқа ўрнатган, «Чанги» аэропорти дунёнинг энг яхши ҳаво дарвозаси сифатида эътироф этилган ва ҳафтага 55 мамлакатнинг 174 шаҳридан келиб кетадиган 4,5 минг самолётга хизмат кўрсатади. Аҳоли жон бошига ўртача йиллик даромад 30 минг АҚШ доллари тақсир қилади.

«Сингапур мўъжизаси» сирини урганмоқчи бўлиб, бу мамлакатга келган киши аввало саришталик ва озодаликдан ҳайратга тушади. Катъий интизом сингапурликларнинг қон-қонига сингиб кетган. Чунки ҳукумат мустақилликнинг дастлабки давридан озодликка алоҳида эътибор қаратди: қондабузар-

лар учун катта жарималар жорий қилинди. Дейлик, жамоат жойида чекканларга 1000 Сингапур доллари (тахминан 760 АҚШ доллари тенг) миқдорида жарима солинади.

Номи «Шерлар шаҳри» маъносини англатувчи Сингапур «Бог-шаҳар» сифатида ҳам донг таратган. Ҳар томонда кўркам дарактлар ва анвойи гуллар кўзни қувонтиради. Шу тариқа, аҳоли ниҳоятда зич яшаса-да, ҳавоси рутубатли бўлса-да, бу мамлакат озодликни сақлаш муаммосини бир неча йиллар олдин батамом ҳал қилган.

Мамлакатда ўтган асрнинг 50-йилларидаёқ таълим-тарбияга катта эътибор қаратилди. Ақлий салоҳиятни юзага чиқариш, ижодкорлик, бунёдкорлик, интизомлилик, меҳнатсеварлик ғояларини тарғиб қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўзини оқлади. Қумликлару ботқоқликлардан иборат, табиий захиралари йўқ, ҳатто ичимлик сувини ҳам кўшни ўлкалардан келтирадиган Сингапур Жануби-Шарқий Осиёнинг энг ривожланган мамлакатига айланди.

Ўзбекистон билан Сингапур ўртасидаги муносабатлар тарихи 1992 йилнинг апрель ойига қадар бўлиб келди. Ўшанда Сингапур Ўзбекистон мустақиллигини тан олган. 1997 йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Президент Ислам Каримовнинг Сингапурга давлат ташрифи мана шу воқеанинг ўн йиллигига тўғри келди.

Ўзбекистон Президенти Ислам

Каримов ва Сингапур Президенти Селлапан Рам Натаннинг учрашувида икки томонлама муносабатларга доир кенг қўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро миқёсдаги муаммолар юзасидан атрафчилик фикр алмашилди. Томонлар бир-бирининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, ўзаро ишонч таъминлаш асосида икки томонлама муносабатларни ривожлантириб боришга келишиб олдилар.

Музокаралар якунида қабул қилинган Қўшма баёнотда таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Сингапурнинг халқаро террорчилик, наркотрафик, уюшган транснационал жиноятчилик билан боғлиқ муаммоларга қарашлари ўхшаш. Бу муаммоларга қарши курашда яқиндан ҳамкорлик қилиш минтақавий ҳавфсизликни мустаҳкамлашнинг муҳим омил эканлиги борасида ҳам фикрлар бир жойдан чиқди. Шу билан бирга, БМТ, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, Осиё тараққиёт банки каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд, деб эълон қилиш борасидаги ташаббусини Сингапур томони қўллаб-қувватлайди. Айни пайтда Жануби-Шарқий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этишда Сингапур муҳим ўрин тутаятгани қайд этилди.

Ўзбекистон Сингапур билан ҳамкорликни кенгайтиришдан ҳар томонлама манфаатдор, айни пайтда Сингапур ҳам Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантириш тарафдори. Сингапур учун Ўзбекистон орқали Марказий Осиё ва МДХ бозорларига чиқиш имконияти мавжуд бўлса, Ўзбекистоннинг АСЕАН билан муносабатларини тараққий эттиришда бу тақдирнинг энг фаол ва нуфузли аъзоларидан саналган Сингапур билан ҳамкорлик катта аҳамият касб этади. Музокараларда томонлар икки йўналиш бўйича ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлашга тайёр эканлиги таъкидланди.

Икки мамлакат делегацияларининг Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Сингапур Бош вазири Ли Сянь Лун раҳбарлигида ўтган кенгайтирилган тартибдаги музокарасида саноатга, жумладан, нефть-кимё, фармацевтика ва электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатида замонавий технологияларни жалб қилиш, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни учинчи давлатларга экспорт қилиш билан боғлиқ соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш икки томон учун ҳам фойда келтириши қайд этилди. Томонлар иқтисодий соҳа учун масъул вазирлик ва идора-лар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш Ўзбекистон ва Сингапур манфаатлари учун хизмат қилишини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН СИНГАПУР РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жануби олийлари Сингапур Республикаси Президенти Селлапан Рам Натан тақлифига биноан 2007 йилнинг 24-26 январь кунлари давлат ташрифи билан Сингапурда бўлди. Ташриф чоғида Президент Ислам Каримов Президент Селлапан Рам Натан, Бош вазири Ли Сянь Лун ҳамда устоз-маслаҳатчи вазири Ли Куан Ю билан учрашди.

2. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мазкур ташрифи Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида 1997 йил 8 апрель кунини дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ушбу мамлакатга амалга оширилган ilk давлат ташрифидир. Дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг ўн йиллигига бағишланган ушбу ташриф икки мамлакат ўртасидаги алоқалар ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади.

3. Учрашув чоғида икки давлат раҳбарлари ўзларини қизиқтирган кенг қўламли икки томонлама, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди. Томонлар амалдаги миллий ва халқаро қонунчиликка риоя қилган ҳолда икки томонлама ҳамкорликни давлат мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик таъминлаш асосида ривожлантиришга келишиб олдилар.

4. Томонлар халқаро терроризм, наркотрафик, уюшган транснационал жиноятчилик ва ядро қуролини тарқатмаслик каби минтақавий ва халқаро таҳдид ҳамда ҳавф-хатарлар юзасидан қарашлари муштарак эканлини изҳор этдилар. Шунингдек, томонлар бу каби таҳдидларни бар-тараф этиш йўлидаги икки томонлама яқин ҳамкорлик минтақавий ҳавфсизликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилдир, деган ақдид қилди. Шу муносабат билан томонлар террорчилик, уюшган жиноятчилик, наркотиклар ва контрабанда билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш борасидаги халқаро ҳуқуқ ва амалдаги миллий қонунчилик асосида ҳамкорлик қилиш истагини билдирдилар.

5. Томонлар, халқаро терроризм ҳар қандай шакл ва кўринишда бўлмасин, тинчлик ва ҳавфсизликка нисбатан энг жиддий таҳдидлардан бири, деган фикрда ақдидилар. Улар барча террорчилик ҳаракатларини кескин қора-

ладилар ва терроризмга қарши муттасил курашни бора-

сидаги азму шижоатларини қайд этидилар.

6. Икки мамлакат ҳам минтақавий ва халқаро ташкилотлар, хусусан БМТ, МАГАТЭ, ОТБ ва бошқа тузилмалар доирасидаги ёндашувларнинг яқинлашуви халқаро тинчлик, барқарорлик ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда муҳим омил бўлишини қайд этидилар.

7. Ўзбекистон томони Сингапур томонининг Ўзбекистон Республикаси ҳамда унга кўшни давлатларнинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаётганини юксак баҳолайди ва, ўз навбатида, Сингапур Республикасининг Жануби-Шарқий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни яратишдаги муҳим ролини таъкидлайди.

8. Сингапур Республикаси Ўзбекистон Республикасининг АСЕАН билан секторал шерик сифатида ҳамкорлик ўрнатишга интилишини юксак баҳолайди ва бу маълумотни АСЕАНга аъзо мамлакатларга етказишга тайёр эканлини билдирди.

9. Президент Ислам Каримов билан Бош вазири Ли Сянь Лун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Сингапур Республикаси ҳукумати ўртасида иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар. Ушбу битим узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва муносабатларни юқори даражага кўтариш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

10. Томонлар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича сиёсий мулоқотни кучайтиришга келишиб олдилар. Шу мақсадда Ўзбекистон ва Сингапур Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида икки томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги англашув меморандуми имзоланди.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташрифи қўллаб соҳаларда икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистон билан Сингапур Ҳаво транспорти қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимини, Сингапур Стандартлар, ишлаб чиқариш ва инновациялар бўйича кенгаши билан Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертифицилаштириш агентлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимини ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Сингапур Бизнес федерацияси ўртасида англашув меморандумини имзоледи. Бундан ташқари, икки томон раҳбарияти ишбилармонлар ўртасидаги шериклик ҳамда хусусий инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида Икки томонлама солиқдан қочиш тўғрисидаги битим юзасидан музокараларни бошладилар.

12. Давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон ва Сингапур ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес-форум ташкил этилди. У икки мамлакат тадбиркорлари ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга ҳамоҳиқ қилаётган савдо делегацияси Ўзбекистонда фаолият юритиш имкониятлари билан таништириш мақсадида Сингапур бизнес доиралари етакчилари билан учрашди.

13. Икки томон раҳбарияти, шунингдек, иқтисодий, маданий, илмий ва технология соҳаларида икки томонлама тақриб аламлиш муҳим эканлини алоҳида қайд этди. Сингапур Ўзбекистоннинг Сингапур ҳамкорлик дастуридаги доимий иштирокини қўллаб-қувватлайди.

14. Президент Ислам Каримов Сингапурда Ўзбекистон Республикасининг элчихонасини очиш тўғрисида қарор қабул қилинганлигини маълум қилди. Сингапур Ўзбекистоннинг бу қарорини икки томонлама муносабатлардаги яна бир ижобий воқеа сифатида баҳолади. Томонлар элчихонанинг очилиши икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ва инсон ресурслари масаласидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлиши борасида ҳамфикрдилар.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташрифи давомида кўрсатилган меҳмондўстлик учун Сингапур халқи ва ҳукуматиға миннатдорлик билдириб, Сингапур Республикаси Президенти Селлапан Рам Натан ҳамда Сингапур Республикаси Бош вазири Ли Сянь Лунни Ўзбекистон Республикасиға расмий ташриф буюришга тақлиф этди. Президент Селлапан Рам Натан ва Бош вазири Ли Сянь Лун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга тақлиф учун миннатдорлик билдирдилар.

ған тадбирда япониялик шифокорлар ҳам иштирок этишди.

• **МИЛЛИЙ** матбуот марказида ўтказилган Миллий тикланиш демократик партияси Марказий Кенгашининг пленумида жамият тараққиёти ривожига сиёсий партияларнинг тутган ўрни масаласи муҳокама қилинди.

• **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 23-Меҳрибонлик уйида тарбияланувчилар ҳамда тарбиячилар иштирокида хайрия тадбири уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши мажлисида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг атраф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлаш борасидаги фаолияти, шунингдек, Сенат Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Сенатнинг ва Сенат қўмиталарининг қарорлари ижро этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги тўғрисида»ги қарори бажарилиши ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

• Ўзбекистон фермер ҳўжаликлари уюшмаси Франциянинг «TEZIER» ва «DYUPONT» компаниялари билан ҳамкорликда семинар ташкил этди. Қишлоқ ҳўжалик экинларининг уруғлари тақдими ҳамда зараркунандаларга қарши кураш, органик ўғитларни қўллаш технологиялари мавзусидаги ушбу семинарда тегишли вазирликлар, қорхоналар вакиллари, фермер ҳўжаликлари раҳбарлари ҳамда мутахассислар иштирок этди.

• Ургачда шаҳарни қоқ иккига бўлиб оқаётган Шовот канали соҳилида йирик сув тозалаш мажмуаси қурилиши бошланди. Бу ерда ҳозир хорижлик ва маҳаллий 300 нафардан ортиқ қурувчилар меҳнат қилишмоқда. Қуйи Амударё минтақасида мазкур энг йирик сув тозалаш мажмуаси учун Осиё тараққиёт ва ривожланиш банки 11 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Иншоот биттач шаҳар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш қуввати икки ҳисса ортади.

• Наманган вилояти факултетада эпидемияга қарши курашиш комиссиясининг мажлисида грипнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

• Қарши шаҳрида республика Байналмилал маданият марказининг 15 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзусида байрам тадбири ўтказилди.

• Хонка туманидаги Модир қишлоғида Хоразмдаги йирик ун комбинати ёнида йилга 50 миллион донга тухум ва 150 тонна пархёз гўшт етиштириш қувватиға эга бўлган янги парранда фабрикасининг қурилиши бошланди.

• Қиёрай туманидаги «Ўнқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғинида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. У 8 мингдан зиёд аҳолиға табиий хизмат кўрсатмоқда. Мазкур шифо масканида физиотерапия, эмлаш, муолажа, акушер-гинеколог, кундузги стационар ва бошқа тиббиёт хоналари ишлаб турибди.

• «Заркон» акциядорлик жамияти Янги йилнинг биринчи ойидан оқда буюртма асосида ишловчи 70 нафар зардўзни иш билан таъминлади. Ана шундай йўл билан жамият ўтган бир йил давомида 10 миллион сўм даромад кўрди. Ҳозирда яна 100 нафар зардўзлик санъати устасига турли хил буюртмалар берилди.

• Бухоронинг Фатҳобод мавзеидаги XIV асрга тааллуқли обида ҳудудидаги кўхна ҳовузни тиклаш ишлари бошланди.

ЖАҲОНДА

• Қирғизистон Президенти Курманбек Бакиев парламентга мамлакат бош вазири лавозимига янги номзод тавсия этди. Номзод Азим Исабеков шу пайтга қадар мамлакат қишлоқ ҳўжалиги вазири вазифасини бажариб келаётганди.

• Кеча Вашингтонда АҚШнинг Ироқдаги янги ҳарбий сиёсати — 20 минг кишилик қўшимча ҳарбийларни жўнатишга қарши кўп сонли митинг бўлиб ўтди.

• Уч кундириқ Ғазо секторида ФАТХ ва ХАМАС гуруҳлари ўртасида қонли тўқнашувлар давом этмоқда. Бу қўллаб қишларнинг ҳаётиға зомин бўлди. Фаластин мухторияти бош прокурори можаро сабабларини ўрганиш учун махсус комиссия ташкил этилишини билдирди.

• «Бритиш Айрвас» компаниясида оммавий иш ташлашлар юз бергани учун 30-31 январь кунларидаги авиақатновлар бекор қилинди. Оммавий иш ташлашларда камида 11 минг нафар ҳодим иштирок этмоқда.

• Венесуэла Президенти Уго Чавес АҚШ элчиси Вильям Браунфильдни агар у Венесуэланинг ички ишларига аралашшини давом эттирадиган бўлса, мамлакатдан чиқариб юборилиши ҳақида огоҳлантирди.

• Россия Федерациясининг Ростов Дон областида кучли туман туфайли аэропорт ёпилди. Синоптиклар қор бўрон ҳавфидан огоҳлантиришмоқда.

• Италиянинг «Милан» клуби Мадриднинг «Реал» жамоасидан бразилиялик тўпурар Роналдони сотиб олгани ҳақида журналистларға ахборот берди. Маълумотларға қараганда, бу шартнома учун италянлар 7 миллион евро миқдорида маблағ тўлашади.

• Франциянинг Лион шаҳрида машҳур кулинар Пол Бакьюз танлови ниҳоясига етди. Жаҳоннинг энг маҳоратли ошпазлари иштирок этган мазкур анъанавий танловда француз сенаторларининг ошпази Фабрик де Вин голиб чиқди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ
Янгиликлар, воқеалар

Каска
сатрларда

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг 100 йиллик таваллудини нишонлаш ҳақидаги қарорининг

ижросини таъминлаш мақсадида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ташаббуси билан адиб ҳақида яратилган мақолалар тўплами нашр этиладиган бўлди. Шунингдек, Интернет саҳифаларида адиб асарларининг веб-сайти ҳам очилди.

• **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида ўтказилган маъ-

навий-маърифий давра суҳбати «Президент асарларини ўрганамиз» деб номланди.

• **ТОШКЕНТ** маданият коллежида «Ўзбекистон тўғрисидаги шакллантириш» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

• **ТОШКЕНТ** Давлат санъат институтининг 8-сонли Талабалар турар жойида «Гийевандлик — аср вабоси» мавзусида давра суҳбати уюштирилди ҳамда катнашчиларға аср вабосининг салбий оқибатлари акс эттирилган видеофильм намойиш этилди.

• **ХАЛҚАРО** бизнес марказида тиббиётни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига бағишлаб ўтказил-

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УҒҚЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига ўн йил тўлган бўлса-да, савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг, умуман, давлатлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси ҳали тўла шакллантирилмаган. Шунга қарамай, ўзаро савдо ҳажми 2006 йилда салкам 100 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич икки томонда ҳам шериклик учун қизиқиш катта эканлигидан далолатдир. Шу боис Сингапур саммитида ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга келишиб олинди. Президент Ислон Каримов ва Бош вазир Ли Сянь Лун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Сингапур Республикаси ҳукумати ўртасида иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар. Бу ҳужжат ўзаро манфаатдорликка асосланган узоқ муддатли ҳамкорлик учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида ҳаво транспорти катнови тўғрисидаги ҳужжатларро битим, Ташки ишлар вазирликлари ўртасида икки томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Сингапур Стандартлар, ишлаб чиқариш ва инновация кенгаши ўртасида стандартлаштириш, метрология ва аккредитация соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Сингапур Бизнес федерацияси ўртасида англашув меморандуми имзоланди. Томонларни қизиқтирган сиёсий масалалар юзасидан мулоқот ва маслаҳатлашувлар йўлга қўйилди. Иқтисодий соҳага оид ҳужжатлар эса ишбилармонларнинг ҳамкорлигини фойдаллашга хизмат қилади.

Музокарада иш одамларининг шериклик алоқаларини рағбатлантириш мақсадида икки томонлама солиқдан қониқ тўғрисида битим тузиш масаласи юзасидан маслаҳатлашув жараёнини бошлашга ҳам келишиб олинди. Шу билан бирга, Президент Ислон Каримов Сингапурда Ўзбекистон элчихонасини очишга қарор қилганини маълум қилди. Сингапур томони бу қарорни икки томонлама

муносабатларни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам сифатида баҳолади.

Давлатимиз раҳбарининг Сингапурга ташрифи учрашувларга бой бўлди. Айниқса, Сингапурнинг устоз-маслаҳатчи вазир Ли Куан Ю билан мулоқот алоҳида эътиборга моликдир. 1959-1990 йилларда Бош вазир лавозимида фаолият кўрсатган бу инсонни "Сингапур давлатчилигининг отаси" деб атайдилар. Сингапур халқи бугунги фаровон ва осийишта ҳаёт учун аввало Ли Куан Юдан миннатдор.

Президент Ислон Каримов Сингапур парламентига ташриф буюриб, Спикер Абдулла Тармуғий билан учрашди. Мулоқот чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашда олий қонун чиқарувчи органларнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Бу борадаги мулоқотни йўлга қўйиш ва кенгайтириш учун икки томонда ҳам барча имкониятлар мавжуд. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиз раҳбари ўзи учун ақратилган қароргоҳда Сингапурнинг "Темасек" ҳолдинг компанияси ихрочи директори Саймон Израэли қабул қилди. Утган асрнинг 60-йилларида тузилган бу компания Сингапур ҳукуматининг ўзига хос сармоядор бўлинимаси ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси ишлаб чиқаришнинг янги соҳаларини вужудга келтириш, қўлаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборатдир. Таъкидлаш керакки, Президент Фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳам ана шундай вазифаларни бажаришга қаратилган. Эндиликда "Темасек" ҳам жамғармизимнинг шериклари сафига қўйилди. "Темасек" Ўзбекистон нефть-газ саноатига 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорига сармоя киритишни режалаштирган.

Президент Ислон Каримов Сингапурдаги Ботаника боғи ҳамда Осиё цивилизациялари музейида бўлди. 1859 йилда барпо этилган Ботаника боғи шаҳарнинг марказида жойлашган. 52 гектар майдонни эгаллаган ушбу масканни тропик ўсимликлар ҳазинаси, деб ҳам атайдилар. Айниқса, унинг ичидagi Орхидея боғи, Оқуш

кўли, Симфония кўли, Занжабил боғи, Пальмалар водийси, 4 гектарлик экваториал ўрмон кишини ҳайратга солади. Орхидея Сингапурнинг рамзларидан биридир. Мамлакатга ташриф буюрган ҳар бир нуфузли меҳмон Орхидея боғига боради. У ерда мазкур гулнинг янги навлари яратилади. Бу сафар яратилган янги навлар Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов номи билан аталди.

Осиё цивилизациялари музейининг экспозицияларида эса қўша халқларнинг маданий мероси акс эттирилган. Турли халқлар амалий санъати намуналари, қўмуш ва чиннидан ясалган нодир буюмлар, ранг-баранг галереялар, ёш зиёратчилар учун ташкил этилган махсус марказ. Бу музейнинг кишини ўйлантирадиган яна бир жиҳати бор! Айтишларича, Сингапур мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланган вақтда авлодларга мактуб ёзилиб, музей деворига беркитилган. Уни мустақиллигининг 50 йиллиги нишонландиган пайтда очар эканлар.

Президент Ислон Каримовнинг Сингапурга давлат ташрифи доирасида икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форуми ҳам ўтказилди. Унда Ўзбекистон ва Сингапур томонидан ташки савдо ва ташки иқтисодий фаолият учун масъул вазирлик ва идоралар вакиллари, юзга яқин фирма ва компания раҳбарлари иштирок этди.

Томонлар Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида сармоявий, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Икки мамлакатнинг салоҳият ва имкониятлари ҳақида маълумот алмашилди.

Форумда Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш борабарида ишбилармон доираларининг бевосита ҳамкорлиги учун ҳам кенг йўл очгани таъкидланди.

Анжуман доирасида Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда «Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан Ўзбекистоннинг иқтисодий, сармоявий салоҳиятига, сайёҳлик соҳасидаги имкониятларига доир тақдимот-кўргазмалар ташкил қилинди. — Ўзбекистонда тўқимачилик корхона-

сини очиш ниятим бор, - деди «Толарам групп» компанияси раҳбари Моҳан Васуани ЎзА муҳбирига. - Президент Ислон Каримовнинг Сингапурга ташрифидан кейин бу қарорим янада қатъийлашди. Икки томонга ҳам наф келтирадиган бундай корхоналар мамлакатларимиз ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим қадам бўлур эди.

«Азия Линкс» компанияси бошқарувчиси Даран Равин эса Ўз компаниясининг ваколатхонаси Ўзбекистонда саккиз ойдан бунён фаолият кўрсатаётганини айтди. Унинг таъкидлашича, Ўзбекистон сайёҳлик соҳасида улкан имкониятларга эга.

— Ўзбекистонлик шериклар билан туртинчида сайёҳлик соҳасида менежмент - бошқарув санъатини ривожлантириш йўналишида ҳамкорликни йўлга қўймоқчимиз, — деди Д.Равин. Бизнес-форум яқинда Ўзбекистон Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Сингапур компаниялари билан ҳамкорлик ташкилоти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, «Ўзбекнефтгаз» МХК билан «ОйлТекИП» компанияси ўртасида узоқ вақтдан бунён ўзлаштириб келинаётган ва захираси тугаётган конлардан нефть қазиб олишни кўпайтириш ҳамда геология-разведка ишларида қатнашиш тўғрисида ҳамкорлик меморандуми, «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси билан «Юнион Тек Азия» компанияси ўртасида биргаликда оптик-толали алоқа кабеллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида ўзаро англашув меморандуми, «Ўзбекнефтгаз» ДАК билан «Бедел Трейддинг» ҳамда «Толарам групп» компаниялари ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид протоколлар имзоланди.

Шундай қилиб, Президент Ислон Каримовнинг Сингапурга давлат ташрифи икки томон учун ҳам манфаатли бўлган салмоқли натижалар билан аяқланди. Эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни яқин ҳамкорлик даражасига кўтаришига, ўзаро муносабатларимизда янги уфқлар очишига шубҳа йўқ.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент – Сингапур – Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

26 ЯНВАРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши таклиф этган қонун тартиби тасдиқлангандан сўнг айрим қўмиталар таркибига ўзгаришлар киритдилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддаси, 93-моддаси 15-банди, 102-моддаси иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари тўғрисида маъруза қилди.

Мазкур ҳужжатлар муҳокамаси чоғида сўзга чиққан барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари давлатимиз раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши демократик ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатнинг давлат-ҳуқуқ ва сиёсий тизимини янада ривожлантириш, мустақил Ўзбекистонда ҳуқуқий фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги муҳим қадам бўлишини таъкидладилар. Янги ҳуқуқий нормаларни амалда рўёбга чиқариш давлат миқёсидаги ўта муҳим масалаларни ҳал этишда сиёсий партияларнинг имкониятларини сезиларли даражада кенгайтириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга аҳолининг барча қатламларини бундан бунён ҳам фаол жалб этиш, барча бўғинлардаги давлат бошқаруви органларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳамда уларнинг масъулиятини ошириш жараёнини жадаллаштириш имконини беради.

Парламент фракциялари вакиллари таъкидладиларки, Президент Ислон Каримов томонидан Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳалари сиёсий партияларнинг марказий ва маҳаллий органлари мажлисларида, депутатлар ва сенаторлар, олимлар, экспертлар, турли жамоат бирлашмалари вакиллари иштирокида ташкил этилган семинарлар, конференциялар, давра суҳбатларида, шунингдек сайлов округларида аҳоли билан бўлиб ўтган учрашувларда кенг муҳокама қилинди.

Қонунчилик палатаси депутатлар билдирган фикрларни ҳисобга олган ҳолда мазкур қонунлар лойиҳаларини биринчи ўқишда қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси А.Эрдонаев «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни айрим моддаларининг амал қилишини вақтинчалик тўхтатиб туриш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Савол-жавоблар ва бўлиб ўтган муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари Л.Ғуломовнинг маърузаси бўйича «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди. Муҳокамада сўзга чиққан депутатларнинг фикрлари ҳисобга олинган ҳолда қонун қабул қилинди.

«Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси О.Исаев тақдим этди. Депутатлар билдирилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2006 йилдаги фаолияти яқунларини муҳокама қилдилар. Қонунчилик палатаси ўтган йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш борасидаги ишга катта улуш қўшганлигини таъкидлаб, депутатлар палатанинг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқуладилар. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2007 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишлари тасдиқланди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси О.Охунова «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Савол-жавоблардан кейин депутатлар қонун лойиҳасини моддама-модда қўлиб чиқишга киришдилар. Қонун лойиҳасининг муҳокамаси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида давом эттирилади.

ЎзА

ЯНГИ КАТАЛОГЛАР НАШРДАН ЧИҚДИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАЙКАЛТАРОШЛИГИ 1991-2006 ЙИЛЛАРДА» ҲАМДА «ИЖОДИМИЗ ҲАҚИДА ГАП» ДЕБ НОМЛАНГАН КАТАЛОГЛАР БОСМАДАН ЧИҚДИ.

бугунги кунда халқимизнинг зиёратгоҳи масканларига айланиб бормоқда. Пойтахтнинг бош майдонидagi музтақиллик ва эзгулик монументи ҳамда бахтиёр Она ҳайкали ҳам бунини ифода қилиб турибди. «Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги 1991-2006 йилларда» деб номланган каталогда худди шундай ҳайкаллар ҳақида ва уларнинг ишлаган муаллифлар ижоди ҳақида маълумотлар берилган. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳайкалтарошлари томонидан яратилган асарлар Европа ва Осиёнинг қатор шаҳарларини ҳам беэза турганлигини фохр билан айтиш мумкин. Бу шундан далолат берадики Ўзбекистон ҳайкалтарошларининг ижоди

дунё узра тан олинмоқда. Ана шу сингари ютуқлар бугун тасвирий санъатда ҳам яққол кўзга ташланади. Улар эркин ижод қилиб тевақат-атрофимизни ўраб турган оламни рангли бўёқларда тасвирлашга ҳаракат қилишмоқда. Мазкур асарларни қўлдан киши ўзини гўёки ана шу олис манзилларда бўлгандек ҳис қилади.

«Ижодимиз ҳақида гап» деб номланган каталогда эса Ўзбекистон рассомларининг ижоди хусусида тўлиқ маълумотлар тўпланган. Келгусида эса республика Бадий академияси барча жанрларда фаолият кўрсатаётган ижодкорлар ҳақида туркум каталоглар нашр қилишни мақсад қилган.

БУХОРО ТЕАТРИ ТОШКЕНТДА

ПОЙТАХТДА БУХОРО ВИЛОЯТ АКАДЕМИК ТЕАТРИНИНГ ХАЛҚ БАДИЙИЙ ЖАМОАСИ ФОЛЬКЛОР ЭТНОГРАФИК АНСАМБЛИ ИЖОДИЙ САФАРДА БЎЛМОҚДА.

Бухоролик ижодкорлар Республика ёш томошабинлар театрида мухлислар эътиборига қуй ва қўшиқлар ҳамда сахна асарларини намойиш этишяпти. Маданий воқеаларга бой бўлган 2006 йилда мавсумнинг энг яхши театар номинациясига Ўзбекистон ёш томошабинлар театри сазовор бўлган. Мазкур театр томошабинларни диди ва талабларидан қелиб чиққан ҳолда ўз репертуарининг авлоддан авлодга ўтиб келаётган яхшилик ғояларини таранум этувчи дурдона асарлар билан бойитиб келмоқда. Театар вилоят театрлари билан ҳам яқиндан ҳамкорлик ўрнатган. Бухоролик ижодкорларнинг мазкур ташрифи ҳам шу ҳамкорлик доирасида ўтказилляпти.

Бухоролик ижодий жамоа халқ театрининг

қадимий миниатюралар манбаларига бориб тақаладиган асарларни намойиш этмоқда. Ижодкорлар томонидан сахналаштирилган ракс ва қўшиқлар мамлакатимизнинг алоҳида ҳудудларигагина хос бўлган ранглар жилоси, услуб ва хусусиятларини акс эттирган. Бунда маҳаллий жиҳатларни ўз ичига олган мусиқа оҳанглари, ижодий услуб ва ҳатто либослар ҳам бир-биридан фарқ қилишини илғаш қийин эмас. Бу эса томошабинларнинг алоҳида қизиқишини таъминлади. Жамоа сайёҳ-ҳаракати асрлар оша бизгача етиб келган ноёб маданий ва маънавий меросимизни сақлашни, авлодларга етказилишига муносиб хисса қўшади.

Рустам ХАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»

Иқтисодийёт

НАҒИС БИЛЛҮР БУЮМЛАР

«ОНИКС» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ДАСТЛАБКИ АЪЛО СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА КИРИШГАНИГА 35 ЙИЛ БЎЛДИ. ДАСТЛАБ «МИКОНД» ЗАВОДИ ДЕГАН НОМ БИЛАН ТАШКИЛ ТОПГАН БУ КОРХОНА БУГУНГИ КУНДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЙИРИК КОРХОНА ҲИСОБЛАНАДИ.

Бу ерда биллур ва шиша идишлар тайёрлаш жараёнига кенг йўлга қўйилган. Ҳозир корхона бу каби маҳсулотлардан 75 хилни етказиб бермоқда. Маиший ва офис хоналар учун ёриткичлар электрон техникалар, энергетика саноати жиҳозлари ҳам харидоригир бўлиб қолди. Мева, ширинлик солинадиган, гул қўядиган турли шаклдаги нақшдор, чиройли биллур ва шиша идишлар ҳам кўплаб тайёрланмоқда. Республика Олий Мажлиси Сенати биноларига фойз бериб, қарогон қилиб турган катта қандиллар ҳам корхона маҳсулотлари сифатида эъзозланмоқда.

Корхона Қозғонистоннинг Чимкент шаҳрида ўзининг савдо уйига эга. Бундай даргоҳнинг наватбагисини яқин орада Россиянинг Новосибирск шаҳрида ҳам очилади.

Ақбар АЛИЕВ



СИРЛИ ОЛАМ



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Япониядаги энг йирик автомобиль компанияларидан бири — «Тойота» компанияси ўта енгил автомобиль ясади. Уни тайёрлашда алюмин қотишмалари ва бошқа енгил ва мустаҳкам материаллардан кенг фойдаланилган. Узунлиги 340 сантиметр, кенлиги 160 сантиметр ва баландлиги 120 сантиметр келадиган янги машинанинг ваэни бор-йўғи 450 килограмм бўлиб, олдинги технология асосида тайёрлангандан 30-40 фоиз енгилроқдир. Автомобилга ўрнатилган 800 миллиметр сийимли 2 тактли мотор соатига 70 километр тезликда юришга имкон беради.

● Мисрлик олим яратган ўзига хос жарроҳлик усули кесиб ташлашга маҳкум оёқларни сақлаб қолиш имконини беради. Бу усул сонда қон юрмаслиги сабаб кесиб ташлашдан бошқа илож қолмаганда, қон юриши учун янги, сунъий қон йўли очишга асосланган. Араб жарроҳлари анжумани қатнашчилари қон қотиб қолиши натижасида асосий қон томири беркилиб қолган, қанд диабетни хасталиги зўрайиши сабабли оддий услубда ўтказилган томirlар ҳам ёрдам бермай, оёқ кесилишига тўғри келган ҳолда беморнинг сонига янги йўл очиш билан боғлиқ жарроҳлик жараёни акс эттирилган бир қатор рентген расмларини диққат билан ўрганиб чиқдилар. Бу янги усул билан Миср жарроҳлари юқоридagi вазиятга тушган беморларда яшашга қайта умид уйғотдилар. Анжуман қатнашчилари беморнинг жарроҳлик операциясидан олдинги, жарроҳлик операцияси чоғидаги ва жарроҳлик операциясидан сўнгги ҳолати билан танишар эканлар, бу усулни ниятда муваффақиятли деб тоғдилар. Чунки энди беморнинг янги очилган қон йўли орқали жуда кўп миқдорда қон оқиб ўтаётгани ва оёқ бундан бунён бемалол ишлаши мумкинлиги, уни кесиб ташлашга эса эҳтиёж қолмаганига тўлиқ ишонч ҳосил қилдира олади. Мисрлик олим, фан доктори Мухаммад Иброҳим Шарқавий яратган бу жарроҳлик усули шу тариқа анжуман аъзолари томонидан тиббиётда янгилик сифатида тўла тасдиқланди.

● Янгича соябонлар турли фалокатларнинг олдини олади. Америкалик полициячилар ёгин-сочини қунарда содир бўладиган жуда қўлчиллик бахтсиз ҳодисаларга соябон қўтарган йўловчилар сабаби бўлишларини аниқлашган. Чунки соябон йўловчининг олдини тўсиб қолиб, кўпинча у яқинлашиб келаётган транспорт воситасини сезмай қолади. Шу сабабли ҳам АҚШда янгича соябон ихтиро қилинди. Унинг юқори қисмига батареядан қувват оладиган лампочка ўрнатилди. Энди йўловчилар чорраҳадан ўтаётганда лампочкаларни ёқиб қўйишга бўлгани. Бу билан фалокатларнинг олди олиниши аниқ.

● Олам ранг-баранг воқеа-ҳодисаларга бой. Бунинг мисоли сифатида бундан анча илгари Францияда руй берган бир воқеани келтириш мумкин. Унинг қахрамони ўта машҳур, ҳам жуда бой одамнинг кизи Викторина Лофурход. У ёш адабиётчи, кашшок Жульен Боссюга ошиқ экан. Бириси жуда бой, иккинчисининг тинкаси қуриган қамбағаллиги икки ёшнинг жуфтлашишига ҳалақит берибди. Отаси қизини дипломат Ренелга турмушга чиқаради. Бироқ тўйдан сўнг, орадан бир қанча вақт ўтмасдан, улар бир-бирларидан совуб кетишади. Ҳуллас, келинчақ вафот этади. Уни қабристонга олиб бормасдан уйининг ёнидаги боғ ичига дафн этишади. Чин дилдан севган ошиқ йигит севгилисининг вафот этганини эшитиб, қабрни излаб топиб, сочидан кесиб олиб, мангу сақлашга ахду-паймон қилади. Кечаси қабрни очиб, севганининг сочини силган пайтда келинчақ уйғониб кетади. Йигит чўчимайди. Чунки севгани летаргик уйкуга дучор бўлган экан. Дори-дармон, ҳеч нарса тириктира олмаган машшукани ошигининг даволи қўли мангулик уйқудан уйғотади. Жульен ошигини ўзи яшайдиган қулбасига олиб келади. Табобатдан хабардор бўлгани учун докторларга мурожаат қилишдан қўрқиб, Викторинани ўзи даволайди. Келинчақ эс-хушига келиб соғайиб кетади. Севиганлар эр-хотин бўлишади ва биров билмасдан деб Америкага кетиб қолишади. Орадан 20 йил ўтган, улар Францияга қайтиб келишади. Бироқ дипломат Ренель аёлини бир кўрганидаёқ таниб, оиласига қайтишини талаб қилади. Масала судга бориб тақалганда, одил қозилар уни никоҳлик ҳуқуқини йўқотган деб, қийинчиликлар билан топишган икки ёшнинг бахтига ҳўқмини ҳал қилишади.

● Биринчи тикув машинасини ихтиро қилган кишига патент Англияда 1755 йили берилган бўлса-да, лекин бу машина аҳоли ўртасида кенг тарқалмади. Чунки унинг қамчилиги ниятда кўп эди. XIX аср бошларида бир қанча мамлакатда тикувчилар ишини енгиллаштирадиган машина ясашга ҳаракат қилинди. Англиялик Жеймс Пери ихтиро қилган (1808 йил) машинанинг ҳам чоки бир баҳяли, мокиси йўқ эди. Шу сабабли унинг илpidан тортсангиз ёки тикилган жойидан йиртмоқчи бўлсангиз, чоки осонгина сўқилиб кетаверарди. Мокили биринчи тикув машинасини америкалик Эллас Хоу 1845 йилда кашф қилди. Унинг ишлаш тартиби шундан иборатки, чок баҳяси пастдан иккинчи ип (моки ипи) билан маҳкамланади. Бундай чокини сўқиш эса осон эмас. Ҳозирги кунга қадар тикув машиналари ана шу усулда ишлайди.

● Искандар Зулкарнайн жангчилари: «Ҳиндистонда шундай антиқа қамиш ўсадики, у асаларисиз ҳам асал бераверади» деб хабар тарқатган эдилар. Бу — шакарқамиш эди. Мисрда шакарқамишнинг «хинд тузи», Хитойда эса «тош асал» деб аташган. Шакарқамишдан тайёрланган қанд биринчи марта Россияга XVI асрда келтирилди. У подшога жуда манзур бўлганидан ана шундай ширинлик юкланган қарвонлар Шарқдан Россия томон кела бошлади. Бундай қанд дастлаб дори-хоналардагина сотилган. Ушанда бир чамқок қанднинг нархи битта от қийматига тенг бўлган. Кейинчалик Россияда қанд давлагидан қанд ишлаб чиқариладиган биринчи завод пайдо бўлди. Корхона бир йилда атиги беш пуд қанд тайёрлаган.

TOSHKENT SHAHAR BO'LMISI

АМОЛОТ

ХУШ КАЙФИЯТ БАХШ ЭТДИ

БОЛАЖОНЛАРИНИНГ МАСЪУМ ВА БЕГУБОР КЎЗЛАРИДАГИ ҚУВОНЧ ВА ШОДЛИКНИ КЎРИШ ИНСОНГА ДОИМО ЗАВҚ БАҒИШЛАЙДИ. АЙНИҚСА БУ КЎЗЛАР БАЙРАМЛАРДА, АЖОЙИБ СОВГАЛАРУ СЕҲРЛИ САРГУЗАШТЛАРНИ ТОМОША ҚИЛГАЧ ЎЗГАЧА ПОРЛАЙДИ.



«Young Nak» ногирон болалар реабилитация марказида бўлиб ўтган байрам томошалари ҳам марказ тарбияланувчилари — қалби ширин орзуларга тўла бўлган болаларнинг ёдида ўчмас из қолдирди.

Болаларнинг нафақат ўзбек тилида, балки рус, корейс тилларида шеър айтиб, қўшиқ куйлаётганларини кузатиб уларни ногирон ёки жисмонан чекланган эканлигини унутмасиз гўё. Чунки улар ёддан айтаётган шеърлар, куйлаётган шўх қўшиқларини ўқиган рақслари соғлом болаларни ҳам лол қолдиради. Бир гуруҳ талаба-ёшлар — LG волонтерлари иштирокида ташкиллаштирилган дастур нафақат марказ тарбияланувчиларига, балки уларнинг ота-оналарига ҳам бир олам қувонч ва

хуш кайфият тақдим этди.

Улар билан суҳбатлашар эканмиз, бола-лар ўзларининг янги йилдаги режалари, келажакдаги орзуларини мамнуният ила биз билан ўртоқлашди: «Мен 2006 йилда қадам босиб, юришни ўргандим», — дейди марказ тарбияланувчиси, жажжи Мафтуна, — 2007 йилда эса акам билан югуриш бўйича мусобақа ўйнамоқчиман!» Мафтуна каби болаларни кузатар эканмиз, кўзларидаги порлаб турган бу қувонч, юзларидаги табассум уларга доим ҳамроҳ бўлишини, келажакка ишонч ва мустақам ирода уларни ҳеч қачон тарк этмаслигини тиладик.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, «Young Nak» каби марказларда тарбияланаётган болажонлардан нафақат байрам-ларда, балки ҳар доим хабар олиб уларни



ширин сўз ва эътибор ила шод этсак нур устига аъло нур бўлар эди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек: «Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилмоғи даркор».

Дилноза УБАЙДУЛЛАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси
СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтган тадбир-дан лавҳалар.

Тадбирлар

ХУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИ ОШИРИЛДИ

КУНИ КЕЧА «КАМОЛОТ» ЁИХ ШАЙХОНТОХУР ТУМАН БЎЛИМИНИНГ «ЁШЛАРИНИНГ ХУҚУҚИЙ САВИЯСИНИ ОШИРИШ» МАЖМУАСИ ТОМОНИДАН БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ УЙИДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ: ХУҚУҚ, БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ» ШИОРИ ОСТИДА «КЕЛАЖАГИМИЗ ЁШЛАР ҚЎЛИДА», «ХУҚУҚБУЗАРЛИК, ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ИЛЛАТЛАРИНИНГ ЁШЛАР ОРАСИДА ТАРҚАЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ», «ГИЕВАНДЛИКНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ» ҲАМДА «ИСЛОМДА ОДОБ-АХЛОҚ, ҲАЛОЛЛИК ВА ПОКЛИК» МАВЗУЛАРИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТҚАЗИЛДИ.

Давра суҳбатига туман ИИБси ҚООБ бошлиғи майор А. Бобоев, туман ИИБда профилактик ҳисобда турувчи 50 нафардан ортиқ вояга етмаганлар, «Гулбозор», «Хадра» ва «Чорсу» каби бир қатор маҳал-лаларнинг ёшлари, уларнинг ота-оналари, мактаб ўқитувчилари иштирок этди-лар.

—Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад—, дейди туман «Маҳалла умидлари» маркази раиси Шахноза Умархў-жаева, —вояга етмаганлар ва ёшларнинг хуқуқий билимларини ошириш, улар томо-нидан хуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг, диний экстремизм ғоялари-нинг онгига сингишининг олдини олиш, дунёвий ва диний билимларни англашга қўмаклашиш ҳамда гивевандликнинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунчалар бериш-дан иборатдир.

Тадбирда «Ёшларнинг хуқуқий савиясини ошириш» мажмуаси раиси Жуманазар Жо-нибеков ўтган 2006 йилда туманда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жино-ятлар таҳлилига тўхталиб, жиноят ва хуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаб-лари, уларни содир этган шахсларга нисба-тан қўриладиган маъмурий ва жиноий жа-вобгарликлар тўғрисида батафсил тушунча-лар берди.

Шунингдек, учрашув иштирокчиларига мажмуа қошидаги «Маҳалла умидлари» мар-кази раиси Шахноза Умархўжаева «Ёшлар-ни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳам-корлиги» концепцияси асосида оиланинг, маҳалла ва мактабнинг вазифалари, Тош-кент Ислон университети «Камолот» ЁИХ етакчиси Хайитхон Каромов «Исломда одоб-ахлоқ, ҳалоллик ва поклик» каби мавзулар-да сўз олиб ўз фикр-мулохазаларини бил-дирдилар.

Тадбир якунида ёритилган мавзуларга оид қўлланмалар тарқатилди ва фильм намой-иш этилди.

Азиза МУХАМЕДОВА

ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

«КАМОЛОТ»ДАН ЯНГИ ЙИЛ» ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛИБ, МАҲАЛЛАЛАРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ИЖТИМОЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ, ЁЛГИЗ ҚАРИЯЛАР ВА ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН НОГИРОН БОЛАЛАРНИ МАЪНАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА УЙЛАРИГА ТАШРИФЛАР УЮШТИРИЛДИ.

Чилонзор туманида жойлашган 49 та маҳалладан ҳар бидан биттадан ижтимоий ёрдамга муҳтож, ёлғиз қариялар ва икки нафардан имконияти чекланган ногирон бола-ларнинг уйларига «Камолот» ЁИХ Чилонзор туман Кенгаши фаоллари, етакчи сардорлари, «Маҳалла умидлари» маркази аъзолари бориб Янги йил совғаларини улашдилар.

Янги йил байрами ўзининг қутилмаган тасодиқларига, мўъжизаларга бойлиги билан бошқа байрамлардан ажралиб туради. Ётиб қолган, ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олинганда уларнинг қувончи кўз ёшлари ҳеч кимни безътибор қолдирмади. Хусусан, 1933 йилда туғилган Маргарита Медведева ўз дил сўзларини қуйидагича изҳор этди: «Эшигимни йиллар давомида ҳеч ким тақиллатиб мени сураб келмаган, сизларни ҳам адашиб келгансизлар деб ўйладим, табриклаб келишингиз бу мўъжизанинг ўзи. Сизларга эслаб келганингиз учун катта раҳмат».

Ижтимоий химоя йилида бундай хайрли тадбирлар халқ кўп маротаба ўтказилиши режа-лаштирилган. «Камолот»чилар йил давомида бу борада фаолликни қўлдан бермайдилар.

Гулнора АБДУВАХОБОВА

Клубни ташкил этишдан ёш ав-лодни Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, эл фаровонлиги йўлида бирлаштириш, ёшларнинг сиёсий онгини янада ўстириш, фикрлаш доирасини кенгайтириш, ташки-лотчилик маҳоратини ошириш, демократия ва эркин фикрлик ғояларини тарғиб этиш, қобили-ятларини рўёбга чиқариш, ёшлар иштирокчида жохон телосоҳа та-лабларига жавоб берувчи илгор, тараққиёларвар ва демократик те-лекўрсатувлар мактабини яратиш каби қатор мақсадлар кўзланди.

Клубнинг асосий вазифаси этиб пойтахтда яшаётган, республика-нинг барча ҳудудларидан келиб таҳсил олаётган, ишлаётган, ижод қилатган ва клуб атрофида бир-лашган серғайрат, эркин фикли ёшлар иштирокчида долзарб мав-зулар муҳокамасига бағишланган давра суҳбатлари, ток-шоуларни уюштириш ва шулар асосида те-лекўрсатувлар тайёрлаш, телеви-дение воситасида ёшларни Ватан раънақи, юрт тинчлиги, эл фаро-вонлиги йўлида бирлашишга даъ-ват қилиш, телекурсув тайёрлаш доирада эркин фикрликлари ва де-мократия тамойилларини кенг тар-ғиб этиш, ёшларда баҳс-лашши маданиятини ўстириш, ёшлар ора-сида энг билимли, кучли, қоби-لياتлиларни аниқлаш ва саралаш белгиланди.

Телеклуб Фаргона вилоятининг Фаргона шаҳридаги «Умидли ёшлар» клуби, «Камолот» ЁИХ На-манган, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари Кенгаш-лари билан ҳамкорликда фаолият юритади.

Хозирда пойтахтимиз ёшлари бўш вақтларида клубга келиб ҳар хил интерактив ўйинлар, шоир ва

«Аср ёшлари» гуруҳи—ёшлар-нинг келажакка бўлган ишончини, билимга бўлган чанқоғини оши-риш ва дунёқарашини кенгайти-риш, тиришқоқ, интилувчан ёшларни бирлаштириш, турли ижодий кечалар, тадбирлар, саё-хатлар ва бахслар уюштириш.

«Ёш ҳуқуқшунослар» гуруҳи— ёшларнинг хуқуқий маданияти ва

«INTER-ART» гуруҳи—ёш санъ-аткорларни қўллаб-қувватлаш, қобилияти ва истеъдодли ёшлар-ни рағбатлантириш, миллий қўшиқ ва рақс санъатини ўрганиш, хайрия концерти ва тадбирлар-ни ташкил этиш;

«Асқода» гуруҳи—қизларда ин-тилувчанлик, тиришқоқлик ва та-шаббускорликни қўллаб-қувват-

топган. Бу гуруҳ чет эл ваколат-хоналари ходимлари билан уч-рашувлар, акциялар ўтказди.

Ўзбекистон Футбол федера-цияси, Тошкентнинг «Пахтакор» футбол клуби қошида «Фан клуб» ташкил этилган бўлиб, ушбу клуб аъзолари юртимизга МДХ давлат-ларидан келган футбол жамоа-лари, мураббийлари ва Ўзбекис-тон футбол федерацияси билан ўтказилаётган матбуот анжуман-ларида бевосита иштирок этиб келмоқда.

Хозирги кунда «Бунёдор» ёшлар телеклуби «Ёшлар» те-леканали, ЎзОЗАВМА қошида-ги «Эркин фикр» телестудияси, «ТВ-марказ», «Кундалик», ОИТС марказлари, «Экосан» халқаро ташкилотлари билан ҳамкор-ликла қўллаб тадбирлар ўтказ-моқда. Телеклуб журналист та-лабаларга амалий билим олиш-ларига ёрдам бериш мақсади-да тележурналистика соҳасида амалиётни ташкил этиш лойи-ҳасини ишлаб чиқди ва уни йил охиригача жорий қилишни ре-жадаштирмоқда. «Эркин фикр» нодавлат телестудияси очилган бўлиб, у тележурналистик ма-териаллар тайёрлаш учун за-рур жиҳозлар билан таъминлан-ган.

Ноҳира НИЗАМОВА,
Шоира МУХАМЕДОВА

«БУНЁДКОР»ДА БИР КҮН

2002 ЙИЛ 26 ФЕВРАЛДА «КАМОЛОТ» ЁИХ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ҲАМДА «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ МУАССИСЛИГИДА «БУНЁДКОР» ЁШЛАР ТЕЛЕКЛУБИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНДИ.

ёзувчилар билан учрашув, хориж давлатлари элчилари билан баҳс-мунозаралар ўтказадилар. Клуб доирасида бир қатор гуруҳлар фа-олият юритмоқда.

Жумладан, «Тиббиёт» гуруҳи— ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, тиббиёт со-ҳасида мавжуд муаммолар юзаси-дан ёшлар фикрини ўрганиш ва уларни бартараф этишда ёшлар-нинг ўрни, тиббий фанларга бўлган қизиқишларини қўллаб-қув-ватлаш, тиббиёт соҳасида бўлаёт-ган энг янги ихтироларни ёшлар-га тарғиб этиш, тиббиёт соҳаси ва-киллари билан давра суҳбатлари, қизқарли учрашувлар ўтказиш;

саводхонлигини ошириш, ёшлар учун юридик маслаҳатлар бериш, хуқуқий масалалар бўйича анжу-ман, семинар-тренинг уюштириш, Ўзбекистон қонунчилигидаги ўза-ришлар ҳақида тушуниришлар олиб бориш, ёшлар орасида хуқуқ бўйича ижтимоий сўровлар та-шқил этиш;

«Экологик» гуруҳи—ёшларга та-биати муҳофаза қилиш, табиатга салбий таъсир этаётган омиллар-нинг олдини олишга чорлаш, ат-роф-муҳитнинг тозаллигига эътибор бериш, экологик муаммоларни ечиш, ёшлар билан «Экология» мавзусида тадбир ва мунозаралар ўтказиш;

лаш, қизларни ҳаётга тайёрлаш, ижтимоий фаолият юргизишга, ик-тимоий-сиёсий дунёқарашини кен-гайтиришга ёрдам бериш, келаж-када ўз ўринларини эгаллаш учун ёрдам бериш, жамиятнинг бошқа жаҳаларида муваффақиятга эриш-ган аёлларни уларга ўрнак сифа-тида қўрсатиш, ўзбек қизларининг турли муаммоларга бағишланган телекурсувларини тайёрлаш каби қатор хайрли мақсадлар йўлида иш олиб боради.

«Халқаро таҳлил» гуруҳи асосан жохон иктисодиёти ва дипломатия, университети, Жаҳон тиллари уни-верситети ва Шарқшунослик ин-ститутлари талабаларидан ташкил

топган. Бу гуруҳ чет эл ваколат-хоналари ходимлари билан уч-рашувлар, акциялар ўтказди.

Ўзбекистон Футбол федера-цияси, Тошкентнинг «Пахтакор» футбол клуби қошида «Фан клуб» ташкил этилган бўлиб, ушбу клуб аъзолари юртимизга МДХ давлат-ларидан келган футбол жамоа-лари, мураббийлари ва Ўзбекис-тон футбол федерацияси билан ўтказилаётган матбуот анжуман-ларида бевосита иштирок этиб келмоқда.

Хозирги кунда «Бунёдор» ёшлар телеклуби «Ёшлар» те-леканали, ЎзОЗАВМА қошида-ги «Эркин фикр» телестудияси, «ТВ-марказ», «Кундалик», ОИТС марказлари, «Экосан» халқаро ташкилотлари билан ҳамкор-ликла қўллаб тадбирлар ўтказ-моқда. Телеклуб журналист та-лабаларга амалий билим олиш-ларига ёрдам бериш мақсади-да тележурналистика соҳасида амалиётни ташкил этиш лойи-ҳасини ишлаб чиқди ва уни йил охиригача жорий қилишни ре-жадаштирмоқда. «Эркин фикр» нодавлат телестудияси очилган бўлиб, у тележурналистик ма-териаллар тайёрлаш учун за-рур жиҳозлар билан таъминлан-ган.

Ноҳира НИЗАМОВА,
Шоира МУХАМЕДОВА

Такдимот

ДОНОРЛИК ПУНКТИ ОЧИЛДИ

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ 2005 ЙИЛДАН БОШЛАБ «ҚОН ИНСОНЛАР ХИЗМАТИДА» НОДАВЛАТ ЖАМОАТ ФОНДИНИНГ МУАССИСЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ КЕЛМОҚДА ҲАМДА ЎЗИНИНГ АЪЗОЛАРИ, ФАОЛЛАРИ ВА ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ИМКОНИАТ ВАРАЖАСИДА ФОНДИНИНГ МАҚСАД ВА ЗАФИЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ЎЗ ҲИССАСИНИ ҚўШМОҚДА.

Инсоннинг саломатлигини мустаҳкамлаш, баъзи ҳолларда эса ҳаётини сақлаб қолиш,

донорлик аҳамиятини кенг жамоатчиликка ту-шунириш ва тарғиб этиш «камолот»чиларнинг бошқа долзарб вазифалари каторида алоҳида ўрин эгаллаб келмоқда.

2007 — Ижтимоий химоя йилида ҳам «Камо-лот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши биносидида ихтиёрий равишда қон топириш пункти ташкил қилинди. Унда ҳаракатнинг ходимлари ва фаоллари иштирок этишади.

(Ўз мухбиримиз)

Мулоҳаза

ЁЛҒОН МАЪЛУМОТЛАРГА НИМА ДЕЙСИЗ?

нарсга беради. Лекин сайтдаги айрим бўлимлар, айниқса, хо-нандалар тўғрисидаги миш-мишлар сира куракда турмай-диган даражададир. Хонанда-лар бу нарсасга қўл силташ-лари мумкин. Лекин улар ҳақида маълумот тўпловчилар учун бу ёлғон хабарлар кан-дай таъсир қилади. Ахир бу маънавиятни емирадиган ил-латларку? ОАВнинг мақсади бу эмаску ахир. Бундай сал-

бий иллатларнинг тез-тез уч-раб туриши жуда ачинарли. Наҳотки бундай халатлар ёки «ахборот ҳужумлари»дан ҳимо-ялашининг йўли бўлмаса.

Фикримизча бунинг учун маънавий-маърифий ишларни янада кучайтиришимиз, халқи-миз онгини миллий ғоя билан шакллантириш ва ёшлар қал-бига Ватан тўғрисидаги кўпроқ сингдириш лозим.

(Ўз мухбиримиз)

Сўранг, жавоб берамиз

МУҚОБИЛ НОБЕЛЬ МУҚОФОТИ НИМА?

Эшитишимча, Нобель муқофотида муқобил бўлган яна бир муқофот бор экан. У қанақа муқофот ва қандай ишларга берилади?

Султон Элмуродов,
Миробод тумани.

Илм-фан соҳасида эришилган буюк натижалар учун бериладиган халқаро Нобель муқофоти билан бирга, унинг муқобили бўлган «Инобелев муқофо-ти» ҳам бор. Уни ҳазил муқофот ҳам дейишди ва жиддий илмий тадқиқотдан кўра кўпроқ эрмак, ҳазилни эслатадиган, энг шубҳали «ютқулар»га тақ-дим этилади.

Масалан, британиялик биологлар ўзларининг «Буюк Британия фермер ҳўжаликлари шароитида туяқушларнинг одамга нисбатан хулқ-атвор қойда-лари» деб номланган ишлари учун муқобил Нобель муқофотида сазовор бўлишган. Математиклар ора-сида икки ҳинд олими шу муқофотни қўлга кирит-ган. Улар «Хинд филлари тана сиртининг умумий майдони»ни аниқлашга муваффақ бўлишган экан.

Пиво ишқибозлари учун қизикарли яна бир «тадқиқот»ни ҳам эслатиш мумкин. Муқобил Нобель муқофотида сазовор деб топилган бу иш «Пиво қул-лари мисолида сингиларнинг экспоненциаллиги қону-нини намойиш этиш» деб номланган. Яъни кўп-қил-ларнинг муайян бир қойдалар асосида чўкиши «ис-ботланган» тадқиқот!

Иктисодиёт соҳасида «бизнесни юрийтиш амалиё-тида мавҳум сонлар тушунчаси»ни қўллаган 28 йи-рик компания шу муқофотга сазовор бўлган. Бу ерда гап бухгалтерия ҳисоботида кўшиб ёзишлар ҳақида кетаяпти. Улар орасида Enron, Xerox, World Com каби машҳур компаниялар ва Россиянинг «Газпром»и ҳам бор экан.

ОЛТИН ТЕЖАБ ИШЛАТИЛГАНМИ?

Турин олимпиадаси медаллари тешиқкулчага ўхшар экан. Қизик, нега уни шундай тешиб қўйилган — қимматбаҳо маъданларни тежаб қолиш учунми?

Зайниддин Исмолов,
Яккасарой тумани.

Турин Олимпиада ўйинлари ташкил қилинган та-рихда изох беришларича, медалъ оғирлиги 450 грам-мдан иборат экан. Уша тешиқ ўз ишини қилибди — яъни 2002 йилги Олимпиада ўйинларидагида нис-батан медаллар 50 граммдан ортиқча енгиллашган.

Маълум бўлишича, 558 медаллар комплектини тай-ёрлашга италиянлар 704 килограмм бронза, 167 ки-лограмм қумуш ва атиги 2 килограмм олтин сарф-лашган. Биринчи ўрин учун тайёрланган «тешиқкул-чалар» фақат қисмангина олтиндан иборат — улар қумушдан тайёрланган бўлиб, устидаги юпка кат-ламгина олтиндан ишланган.

ГЎЗАЛЛИК ГЕНЛАРИ БЎЛАДИМИ?

Хушбичим, чиройли қизлар ва йигитларни кўрсангиз, қандайдир дилингизда яхши кайфи-ят пайдо бўлади. Баъзи халқларда чиройли ки-шилар кўпроқ, баъзиларида камроқ бўлади, дейдиганлар ҳам бор. Бу нимага боғлиқ? Ёки гўзаллиқнинг алоҳида генлари бўладики?

Сумбул Қўймова,
Сергели тумани.

Ирсият масалалари билан шуғулланувчи олимлар, жумладан, биология фанлари доктори Юлий Рева-зовнинг айтишича, ҳеч қандай гўзаллик гени йўқ. Шуниси ҳам борки, гўзаллик тушунчасининг ўзи ғоят субъектив бўлиб, уни ҳар ким ҳар хил тақлиқ қи-лади ва боз устига турли халқлар гўзаллиқни турлича тасаввур этадилар.

Масалан, монголоид irqига мансуб халқларда ду-малоқ юзли, қисқ кўзли аёллар чиройли ҳисобла-нишади. Европа халқлари тасаввурига эса бу баҳо сингмайди. Яна давр тушунчаси ҳам мавҳуд бўлиб, турли давр кишиларининг чирой ҳақидаги тушунча-лари бир-биридан фарқланади.

Айтайлик, буюк рассом Леонардо да Винчининг Мона Лизиси ҳозирги давр диди бўйича ҳаммага ҳам бирдай ёқарвермади. Ген нуқтаи назаридан, яъни ирсий жиҳатдан соғлом кишилар кўпроқ эъти-борни тортади. Дарвоқе, қўпична аралаш никоҳдан туғилган болалар соғлом ва чиройли бўлишади. Бу ҳодиса генларнинг қатишиши ҳисобига рўй бера-ди.

МУЗЛИКЛАР ХАВФ ТУҒДИРАЁТГАНИ ЙЎҚМИ?

Шимолий муз океани, Тянь-шан ва Помирда ўхшаш тоғлар тепаларидаги музликлар Ер юзи-да илиқлик ошиб бораётгани туфайли тобора кўпроқ эриётганимиш. Бунақада яна дунёни сув босиб кетмайдими — яъни инсониятни янги ҳало-кат қутаётгани йўқми?

Зулхумор Ашурова,
Қибрай тумани.

Мутахассисларнинг гувоҳлик беришларича, муз-ликлар куруқлиқнинг 11 фоизини ташкил этади. Муз-ликларнинг энг каттаси Антарктидада бўлиб, унинг ҳажми 23 миллион куб метрни ташкил этади. Албат-та, музликларнинг эриб кетиши катта хавф солган бўларди. Лекин бахтимизга бундай хавф-хатар йўқ. Баъзи бир олимларнинг ваҳимали шов-шувлари, юмшоқ қилиб айтганда, бирон-бир жиддий илмий асосга эга эмас.

Олимлар ҳисоб-китобларига кўра, барча музлик-лар эриб кетган тақдирда ҳам жаҳон океани сатҳи 60-70 метрга кўтарилиши мумкин. Ер юзасига нис-батан олинганда бу унчалик кўп эмас — яъни унинг натижасида Африка, Америка-қитъаларининг соҳил-бўйи ҳудудларини сув босади, айрим ороллар сув тағида қолади.

Мамлакатлардан, чунончи, Голландияни сув боси-ши мумкин. Қора ва Каспий денгизлари бир-бири билан қўшилиб кетади. Қўриб турганингиздек, бу-тун дунёни сув босади.

Тянь-Шан ва Помир тоғларига келсак, уларнинг янги аср охиригача эриб кетиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Уларнинг музлик заҳиралари жуда улкан бўлиб, ҳар йилги ёғингарчилик эриган музликлар ўрнини тўлдириб туради. Шунинг учун Ўрта Осиё аҳолиси сувсизликдан қийналмайди.

Оз-оз ўрганиб Домо бўлур...

Хурматли «Оқшом» мухлислари. Маълумки, улуг мутафаккир Алишер Навоий асарлари яхлит олганда ҳаёт қомусига ўхшайди. Айниқса Навоий ҳикматларига қизиқиш ҳамма даврларда ҳам юқори бўлган. Чунки шоир ижоди ўзига хос ҳикмат бўстониридир. Ўзингизда тугилган ҳар қандай саволга жавоб излаб, унга мурожаат қилсангиз, ахволи руҳиятингизга мос бирор ҳикмат топиб, мақсадингиз ҳосил бўлади. Яқинда филология фанлари номзоди Эргаш Очилов томонидан Алишер Навоийнинг батафсил шарҳланган ҳикматлари тўплами нашрга тайёрланди. Биз бундан буён сиз азиз оқшомхонларга мазкур тўпламдан ўрин олган ҳикматларни «Машриқзамин — ҳикмат бўстони» рукнида эътиборингизга ҳавола этиш ниятидамиз. Ўйлаймизки, оқшомхонлар мутафаккир шоирнинг ҳассос мисралари қатидаги яширин маъно дурлари билан ошно бўладилар. Шунингдек, бу ҳикматлар ёшларга бадиий-эстетик завқ бағишлаб, уларнинг маънавий-ахлоқий камолотга етишишда муҳим ўрин эгаллайди.

АСРЛАРНИ БЎЙЛАГАН ҲИКМАТЛАР

Агар арпа ҳам сочса бўлмоққа тўқ,
Анга бугдой ўрмоқнинг имкони йўқ.
Арпа сочган деҳқоннинг бугдой ўриши мумкин эмас.

Агар берса ўз жайби ичра маҳал,
Ўзи қатлигадур таноби ажал.
(Илонни) ўз ёпида (чўнтагида) сакловчилар (душмандан эҳтиёт бўлмаганлар), ўз ўлимлари учун сиртмоқ ҳозирловчилардир.

Агар дирам била бўлса зарарни қайтармок,
Хатодурур киши, ул ишда айламоқ татил.
Агар зарарни пул орқали қайтармок мумкин экан, бу ишда совуқонлик қилган киши катта хато қилган бўлади.

Агар золимга йўқдур шохдин бок,
Эрур ул хушдилю, мазлум ғамнок.
Агар золимлар шохдан кўркмас, улар ҳар вақт хурсанд, мазлумлар эса, доимо ғамда бўлади.

Агар кимсадин зоҳир ўлса ёмон,
Кўрар ҳар неким, зоҳир этди ҳамон.
Ёмонлик қилган киши, ўзи ҳам ёмонлик кўради.

Агар нафъдин бўлса маҳзан йироқ,
Анинг лаълидан ҳора кўп яхшироқ.
Фойда етказишдан узоқ бўлган хазина жавохирлардан қора тош яхши.

Агар отинг йўқтур, арпа ғамин емассан.

Агар тилин асрамоқ кўнгулга меҳнатдур,
Аммо сўзни сийпамоқ бошга офатдур.

Агар тузлук ўлса кишининг иши,
Не васф айлай олғай ишнини киши.
Кишининг иши тўғрилиқ бўлган, бу унинг учун энг яхши мактовдир.

Агар яхшилик кимга афёлдур,
Жазоси анинг ганжи иқболдур.
Яхши табиатли кишилар бахт хазинасига эришадилар.

Агар қилмади эл ҳимоят санга,
Ўзингдан керақдир шикоят санга.
Халқ сени ҳимоя қилмаса, унинг учун сен халқдан ўпка қил.

Агар кўй бўри хайли помолидур,
Яқин билки, чўбонга ит холидур.
Агар кўйлар бўрига оёқости бўлсалар, аниқ билки, чўпон ҳам кўй қўриган ит ҳолига тушар.

Адолат қилурнинг тониб ҳолатин,
Фузун қилсун элга адун олатин.
Мамлакатда адолат ўрнатмоқчи бўлган киши халқнинг душманга қарши муҳофаа қуролини кучайтирсин.

Айтур сўзни айт, айтмас сўздин қайт.

Андоқ қариким, йўқ анда ойини хирад,
Ул ёш ортуққи, топди талқини хирад.
Ақлли бўлмаган кексадан, ақлли ёш яхши. Андинки нафс комидур, нафсоният мақомидур.

Шахсий манфаатини илгари сурувчи киши — душманлик ўчоғидир.

Англағил аҳбоб қадриним, алар бўлмади не нафъ,

Гар сенга афлок авжи узра тахти ҳахдур.
Дўстлар қадрини билиш керак. Агар мартабанг кўк қадар бўлса-ю, дўстларинг бўлмаса, у даражанинг нима фойдаси бор.

Арсда шатранжни улким тўкар,
Неча ёғоч порчасидурким, ўкар.
Шатранж доналарини тартибли термай, унинг тахтасига тўкишининг бир қанча ёғочни бир ерга тўплашдан фарқи йўқдир. (Ҳар бир ишда маълум тартиб бўлиши зарур).

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

РОССИЯ ПОЙТАХТИ МОСКВА ШАҲРИДА МДХ ВА БОЛТИК- БЎЙИ ДАВЛАТЛАРИ ЧЕМПИОНЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯҚУНИГА ЕТДИ.

Аввал хабар қилинганидек, «С» гуруҳида муваффақиятли ўйнаб, чорак финалда Сербия ва Черногория чемпиони «ОФК» жамоасини ҳам 1:0 ҳисобида енга олган «Пахтакор» футболчилари ярим финалда Молдова чемпиони «Шериф» жамоаси билан куч синашишди. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар икки жамоанинг галаба иштиёқида майдонга тушганлиги ўйин давомида

Футбол

«ПАХТАКОР» — ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

яққол сезилиб турди. Биринчи бўлимнинг 43-дақиқасида пахтакорчи Леонид Кошелев томонидан дарвозага киритилган гол ўйин охиригача ягоналигича қолди ва тошкентликларга муҳим галабани туҳфа этди. Ярим финалнинг Москванинг ЦСКА ҳамда Латвиянинг «Вентспилс» жамоалари ўртасида уюштирилган иккинчи учрашувда ҳам 1:0 ҳисоби қайд этилди. Ушбу ўйинда латвияликлар галаба қозонишди.

Мухлислар орзиқиб кутган финалда

эса «С» гуруҳи вакиллари «Вентспилс» ва «Пахтакор» яна рўбарў келишди. Ушбу турнирнинг дастлабки учрашувда латвиялик чарм тўп усталарига 0:2 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйган Равшан Хайдаров шогирдлари бу сафар тезкор, ҳужумкор ўйин намойиш этишди. Шуниси эътиборлики, химоячиларимиз ва дарвозабон бу сафар бехато ҳаракат қилишди. 90 дақиқа давом этган беллашувда дарвозалар дахлсиз қолди. Пенальтилар сериясида

эса омад тошкентликлар томонида бўлди. Рақибларини 7:6 ҳисобида мағлуб этган пахтакорчилар турнир ғолиблигини қўлга киритишди.

Кўп минг сонли мухлислар номидан «Пахтакор» жамоасини ушбу галаба билан кутлар эканмиз, уларга жорий йилда уюштирилаётган Осиё чемпионлар лигасида ҳам бош соврин эгаси бўлишдек шараф насиб этишини тилаб қоламиз.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Мутахассис оғохлантиради

ГРИПП ХАСТАЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

ГРИПП ВА БОШҚА ЎТКИР
РЕСПИРАТОР ВИРУСЛИ
ИНФЕКЦИЯЛАР ЭНГ КЕНГ
ТАРКАЛГАН ЮКУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАРДИР. ДЕЯРЛИ ҲАР
ЙИЛИ ҚАЙТАРИЛАДИГАН ГРИПП
ЭПИДЕМИЯЛАРИ ХАЛҚ
ХЎЖАЛИГИГА КЎП МИЛЛИОНЛАБ
ЗИЁН ЕТКАЗАДИ. ИҚТИСОДИЙ
ЗАРАРДАН ТАШҚАРИ БУ
ИНФЕКЦИЯЛАР ХАЛҚ СОҒЛИГИГА
КАТТА ЗАРАР КЕЛТИРАДИ. ЧУНКИ
УЛАРНИНГ КЎПЛАРИ ЖИДДИЙ
АСОРАТЛАР КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИ.
СУРУНКАЛИ АСОРАТЛАР КЕЛИБ
ЧИҚИШГА ОЛИБ КЕЛАДИ.

Грипп — ўта юқумли касаллик бўлиб, аҳоли ўртасида тез ва осон тарқалиши билан бошқа касалликлардан фарқ қилади.

Касаллик манбаи бемор одам бўлиб, касаллик ҳаво-томчи йўли билан юқади. Грипп эпидемияларининг вужудга келиши йилнинг совуқ ойларига тўғри келади. Касаллик тўсатдан ўйин бошланади. Унинг белгилари: қаттиқ бош оғриши, айнақса пешона ва кўз ости соҳаларида, бош айланиши, мадорсизлик, мушакларда ва кўз соққаларини қимирлатганда оғриқ ва нафас сиқишидир. Касалликнинг бошланишида тана увушади, ҳарорат 38-40 даражага кўтарилди ва бу ҳолат 2-5 кун давом этади.

Грипп ва ўткир респиратор вирусли

инфекция (УРВИ) билан оғриган барча беморлар иситма даврида кўрпа-тўшак қилиб ётиши, шифокорни уйга чақиришлари лозим. Юқори калорияли, сервитамин пархез таомлар билан бирга, бир суткада 1,5-2 литр гача суяклик (чай, мева шарбатлари, иссиқ сут, минерал сувлар) истеъмол қилишлари керак. Дорилардан касалликнинг биринчи кунини интерферон, ремантадин, аскорбин кислотаси тавсия этилади. Грипп асоратсиз ўтиши учун антибиотик ва сульфаниламидлардан фойдаланмаслик керак. Грипп касаллиги билан курашиш тиббиётда икки йўналишда олиб борилмоқда. Биринчи организмнинг касалликка қарши курашиш ҳусусиятини ошириш мақсадида аҳолини эмлаш, яъни вакцина профилактика. Иккинчиси инсон ўзини касалликдан муҳофаза қилиш бўлиб, танани чиниктириш, бадантарбия билан мунтазам шугулланиш, овқатланишга алоҳида эътибор бериш лозим. Бунда кўпроқ очик ҳавода юриш, совуқ кунларда иссиқ кийиниш, оёқ кийимининг иссиқ бўлиши жуда муҳимдир. Гриппнинг олдини олишда муассасалар, ўқув юртлари, корхоналар, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, аҳолининг яшаш жойларидаги барча хоналарнинг иссиқлик ҳарорати 17-18 даражадан паст бўлмаслиги аҳамиятлидир. Грипп эпидемияси даврида асосий эътиборни касаллишни ҳавфи кўпроқ бўлган аҳоли гуруҳларини муҳофазалашга

қаратиш лозим. Бу гуруҳга тиббиёт, транспорт, мактаб, мактабгача таълим, савдо, умумий овқатланиш муассасалари ходимлари қиради. Касалликнинг олдини олиш мақсадида дока никоблардан фойдаланиш, уларни албатта ҳар тўрт соатда алмаштириш зарур. Бу ҳолда никоблар 98 фоизгача патоген микрофлораларни ўзида ушлаб қолади. Хоналар 0,5 фоизли хлорамин, хлорли оҳак эритмаси билан ҳар кун 2-3 марта ювилса хлор бўғланиб, грипп ва УРВИ вируслари ўлади. Иссиқ тутини эса бактерицид ва вирулоцид тасир кўрсатиб, зона хавосини зарарсизлантиради. Хоналарни тез-тез шамоллатиш, хавосини алмаштириш ҳаводаги микроорганизмлар сонини 85-90 фоиз камайтиради. Болалар муассасаларида эрталаб болаларнинг тана ҳарорати ўлчаниб, томогини кўриш зарур. Агарда касаллик аломатлари сезилса, дарҳол ота-онаси келгунча болани алоҳида ҳавода бўлиш вақтини узайтириш (ҳар қандай об-ҳавода) лозим.

Профилактик мақсадда ремантадин, интерферондан фойдаланиш ҳамда шахсий гигиенага риоя қилиш касалликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Дилдора МИРБОБОВА,
Республика Саломатлик
институтининг
Тошкент шаҳар филиали
директори

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли ишбиланмонлар ва тадбиркорлар!

«Munitsipal Aukcion Markazi» сизларни 2007 йил 27 феврал ва 6, 13, 20, 27 март, 3, 10, 17, 24 апрель кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтадиган АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан, Тошкент шаҳар ҳудудига жойлашган қуйидаги якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдирилаётган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади.

№	Ер участкаларининг жойлашган манзили	Ер участкалари-нинг сатҳи (га)	Бошланғич баҳоси (сўм)
1	2	3	4
1	Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод 2-тор кўчасида жойлашган	0,017	571 200
2	Юнусобод тумани, Соҳибқор кўчасида №1-сон ер участкаси	0,04	1 804 800
3	Юнусобод тумани, Соҳибқор кўчасида №2-сон ер участкаси	0,04	1 804 800
4	Юнусобод тумани, Орифов кўчаси, №3-сон ер участкаси	0,03	1 169 280
5	Юнусобод тумани, «Ҳасанбой» даҳаси, 2-мавзе ҳудудиди	0,03	709 800
6	Юнусобод тумани, «Ҳасанбой» даҳаси, 1-мавзе ҳудудиди, №3-сон ер участкаси	0,04	946 400
7	Юнусобод тумани, А.Дониш кўчасида	0,015	493 200
8	Шайхонтоҳур тумани, Каттабўғ 7-тор кўчаси	0,012	454 608
9	Мирзо Улуғбек тумани, Устабоев кўчаси	0,0085	131 733
10	Шайхонтоҳур тумани, «Қоратош» даҳаси, Чақар маҳалласи, Кураш кўчаси	0,025	1 988 000
11	Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчасида	0,04	1 372 800
12	Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчасида	0,04	1 372 800
13	Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчасида	0,04	1 372 800
14	Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчасида	0,03	1 029 600
15	Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи кўчасида	0,04	1 716 000
16	Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи кўчасида	0,04	1 716 000
17	Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи кўчасида	0,02	858 000
18	Мирзо Улуғбек тумани, Ш.Бурхонов кўчасида 1-сон ер участкаси	0,04	984 000
19	Мирзо Улуғбек тумани, Ш.Бурхонов кўчасида 2-сон ер участкаси	0,04	984 000
20	Мирзо Улуғбек тумани, Ш.Бурхонов кўчаси	0,02	492 000
21	Сергели тумани, Боғчинон кўчасида	0,035	833 000
22	Сергели тумани, Қуйи толариқ 3-тор кўчасида	0,018	201 600
23	Юнусобод тумани, радиостанция ҳудудиди	0,008	438 400
24	Юнусобод тумани, радиостанция ҳудудиди	0,008	438 400

Аукцион савдоларида катнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади. Савдода катнашиш истиғини билдирган талабгорлар ер участкалари бошланғич нархидан 5 фоизи миқдорида закат пулини савдо ташиқлотичи «Munitsipal Aukcion Markazi» халқ банки шаҳар бўлимидаги МФО 00821, СТИР 300053338, 20208000804555055001 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, М-14, 19-уй.
Телефон: 144-88-04
Гувоҳнома: № 001568-09

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 07

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилди.
4398 нусхада босилди.
Қороз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6